

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил июл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲМТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

Баҳоси эркин нарҳда



● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Унга кўра, 1996 йилнинг 1 сентябритдан бошлангич разряднинг ойига 600 сўм миқдоридagi тариф ставкаси Ягона тариф сеткасига асос қилиб олинадиган бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Борис Елциндан мактуб келди. Унга Борис Елцин иккинчи муддатга Россия Президенти лавозимига сайланиши муносабати билан мамлакатимиз раҳбарининг табригини олганини қайд этиб, самимий ва эзгу тилаклар учун Ислоҳ Каримовга ўз миннатдорчилигини изҳор этган.

● Эллиқалъа тумани маркази Бўстон шаҳрида Қорақалпоғистон хотин-қизларининг «Оила ва маҳалла» мавзусидаги семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинарда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Аннақиличева аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Ўзбекистон Бош Вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Фуломовалар қатнашиб, сўзга чиқдилар.

● Америка Халқаро тарикқиёт агентлиги — ЮСАИД делегация аъзолари Хоразм воҳасига ташриф буюрдилар. АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро жаноблари бошчилик қилган делегация Хиванинг қадимий обидаларини зиёрат қилишди, бир қатор ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида бўлдилар.

● Франциянинг Сен-Флорен-ле Вей шаҳрида анъанавий «Ғарб-Шарқ» мумтоз мусиқа ва рақс фестивали бўлиб ўтди. Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси А. Саидов иштирок этди.

● Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида янги акушерлик мажмуи иш бошлади. Бешта бўлимдан иборат бўлган мажмуа бир йўла 50 беморни қабул қилиш имкониятига эга.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Бешиқда гуллаган орзу баҳори,
Болалик фаслининг кетмай оҳори.
Болакай опичлар ҳавас юкини,
Рухида алланинг уйғоқ эпкини.

Р. Альбеков

УШБУ СОНДА:

3-БЕТ

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ВА АШАРАИ МУБАШШАРА

5-БЕТ:

БУГУН БОЗОРГА ЎХШАЙДИ (КИНОЯ)

«ТЕШИБ ЧИҚСИН»

6-БЕТ

ҲАР ГАЛГИДЕК ВИДЕО ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ

8-БЕТ:

КУНЛАРДАН БИР КУНИ ДАДАМ...

(адабиётшунос олим Маҳмуд Саъдий ҳаётдан ажойиб ҳангомалар)



АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!

MILLIY INVESTICIYA FONDI
MILLIY INVESTICIYA FONDI

тел: 363084
тел/ 343176
факс:

ОЛМОН АЁЛЛАРИНИНГ ИБРАТИ

Ўзбекистон хотин-қизлар делегацияси Германияда бўлиб қайтди

Истиклол шарофати билан ўзбек аёли дунёни кезиб, юксак маданий тараққиётга эришган мамлакатлардаги халқлар турмуш тарзи, хотин-қизлар ҳаёти, оила тутиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий муҳитдаги мавқеи каби масалалар билан танишиб, ўзларига муносиб ибратлар олиб қайтишмоқда. Ана шундай сафарлардан бири шу йил 20 июн — 1 июл кунлари Германияда бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик хотин-қизлар делегацияси тарихида республика Вазирлар маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўйича бўлим бошлиғи Ойниса Мусурмонова, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Диловар Қобулова, Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Замира Абдуллаева, Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Малика Рустамова, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Назира Ҳайитова, «Аёл ва жамият» семинари раҳбари Наталья Мураева каби фаол вакиллар бор эди. Улар узок Германия сафарига Конрад Аденауэр жамғармаси тақлифи билан бордилар.

Конрад Аденауэр (1876-1967) Германия сиёсий ҳаётида кўп хизматлари синган арбоблардан бўлган. Унинг номи билан аталган жамғармага 1946 йили асос солинган.

Жамғарма 130 дан ортиқ мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда иқтисод, маҳаллий ҳокимият органларида сиёсат, хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиши, оммавий ахборот воситаларининг роли, маориф ва экологиянинг долзарб масалалари бўйича семинарлар ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистонлик хотин-қизлар делегациясининг ушбу таширидан қўзланган мақсад, асосан К. Аденауэр жамғармаси фаолияти билан, немис хотин-қизлар кенгаши ва

хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланган ҳукумат ҳамда жамоат ташкилотлари ишлари билан яқиндан танишиш эди. Германияда юртимиз вакилларига кўрсатилган эҳтиром ва ҳурмат, ўзаро учрашув ва мулоқотлар чоғидаги тажриба алмашишлардан келиб чиқиб айтиш мумкин, сафар хайрли бўлди, қўзланган ният амалга ошди.

Ўзбекистонлик вакиллари Германиянинг парламентчи-аёллари Э. Райнхардт, М. Айхорн, А. Аймер, Б. Сотман, О. Штутле хонимлар қабул қилишди. Бундестаг аъзолари билан бўлиб ўтган қизгин суҳбатлардан сўнг, яъни 21 июн куни юртимиз вакиллари бундестаг мажлисида қатнашдилар. Мажлис раиси мажлисда муҳожама этилаётган мунозарали масалани тўхтатиб, ўзбекистонлик хотин-қизларни бундестаг номидан Германияга ташириб буюришгани билан табриклаб, ҳамкорликдаги ишларига омад тилади.

Германияга келган кунлардаги дастлабки учрашув Жамғарманинг Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, жамғарма ва экспертлар гуруҳи аъзоси жаноб Йозеф Тезин билан бўлиб ўтди. Суҳбат «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида бўлди. Хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича Федерал вазирликдаги мулоқот чоғида Ўзбекистондаги ана шундай мувофиқ тизимларда ишлар қандай ташкил этилгани ҳамда олиб борилаётгани ҳақида фикр алмашилди.

Шундан кейин Немис хотин-қизлари Кенгашида Ханна Польшан хоним билан учрашув бўлди. Германиядаги бу Кенгашнинг қурилиши ва иш тажрибалари ҳар жиҳатдан ибратлидир. Бу кенгаш ҳукуматга ало-

қаси бўлмаган жамоат ташкилоти сифатида расмийлаштирилган, шунга қарамай у Германиядаги 130 та эркин хотин-қизлар ташкилотларининг ишларини мувофиқлаштириб боради. Бу ташкилотларнинг ҳаммаси Немис хотин-қизлар Кенгашига ўзларининг мамлакатда хотин-қизлар мавқеини янада мустаҳкамлашга қаратилган тақлиф ва истақларини йўллайди. Кенгаш бу тақлифларни ўрганиб, умумлаштириб, ҳукуматга ёки парламентга бирор-бир тadbир қўллаш учун тавсия этади. Ўзбекистонлик вакиллар ана шу ишлар билан танишган, республикамизда Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ривожлантиришда, германиялик ҳамкасблар фаолиятидаги самарали тажрибаларни ўзлаштириш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келдилар.

Сафар чоғида немис аёл-тадбиркорлари билан уюштирилган суҳбатлар гоята жонли, қизгин кечди. Германияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда немис аёлларининг ортирган тажрибалари таҳсинга лойиқ экан. Бухоро, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлари муовинлари вилоятлардаги хотин-қизлар уюшмалари билан немис хотин-қизлар тадбиркорлар ассоциялари ўртасида ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

Бундай учрашув, айниқса, Берлиндаги «Аёллар ҳўжалиги»да самарали кечди. Бу ерда ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган очик турдаги тадбиркор аёлларнинг акциядорлик

жамияти ишлаб турибди. Вакилларимиз «Аёллар ҳўжалиги» билан ҳам ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Учрашувлар чоғида шу нарса аён бўлдики, Германияда ўзбекистонлик хотин-қизларнинг бугунги мустақил ўлка тараққиётидаги ўрни ҳақида тўла тасаввур йўқ экан. Республикаимиз вакиллари юртимизнинг буюк келажаги йўлида ўзбек хотин-қизларининг меҳнати, оиладаги мавқеи ва бошқа кўплаб масалалар ҳақида батафсил суҳлаб беришди. Бугун озод юртимиз дунёга юз бераётган бир пайтда ўзбек хотин-қизларининг илгор маданият ва жамоат арбоблари, хорижий эллар тажрибалари билан танишиб келишилаётган Ўзбекистоннинг келажаги учун гоята самарали тадбирлардир. Бу каби сафарлар, учрашув ва жонли мулоқотлар республикамиз хотин-қизлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида янада фаол бўлишлари, уларнинг оилада, жамиятда мавқеи янада юқори бўлишига замин ҳозирлайди.

Ўз мухбиримиз тайёрлади.



• Божхона хабарлари

СОЧИНИНГ САВДОСИ ТУШДИ БОШИМА...

Денов шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Сочи сунбул қиз» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Бунда тўртта команда таркибида 20 нафар қиз қатнашди. «Мажнунтол» командаси аъзоси, 7-ўнлар-техника билим юртини-тиг тикувчилик гуруҳи ўқувчиси Феруза Тошматова 1-ўринга ва қимматбаҳо мукофотга муносиб деб топилди. Феруза сочининг узунлиги, гўзаллиги, нафис ва гоята орасталиги билан кўпчиликини мафтун қилди.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Ангор туманидаги «Тилламарон» жамоа ҳўжалиги одамлари тоза-ораста яшашни яхши кўришади ва амалда бунга риоя ҳам қилишади. Яқинда ҳўжалик хотин-қизлар қўмитаси раиси Ўролтош Жумаеванинг ташаббуси билан бу ерда «Намунали оила, тоза кўча, тоза ҳовли» кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танловга еттита маҳалла қатнашди. Иш шу билан якунландики, энг намуна-

• Сурхон томонларда

ли оила «Гиламбон» маҳалласидаги Эшбой бобо Шеркулов оиласи, энг тоза ҳовли «Таллимарон» маҳалласидаги Эшқобил Мавлонов хонадонни, энг тоза кўча деб «Гиламбон» маҳалласидаги Амир Темур кўчаси тан олинди.

Табиийки, анъанага кўра голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

СЎФИ ОЛЛОЁР ЎТГАН ЙУЛЛАР

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими ҳамда Олтинсой тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Сўфи Оллоёр таваллуд топган куннинг 370 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тасаввуф йўлида чуқур из қолдирган алломага бағишланган анжуманда профессор Назар Тўраев, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулов, филология фанлари доктори Наим Каримов, профессорлардан Холмирза Холиёров, Турғунбой Саксанов, Олтинсой туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ражаб Пардаевлар қизқарли ҳамда мазмунли маъруза қилишди.

Анжуманнинг иккинчи кунги эса янада қизқарли кечди. Қатнашчилар қомусий илм эгаси, машхур олим ал-Ҳаким Термизий, Имом Абу Исо ат-Термизийларнинг макбараларини зиёрат қилишгандан сўнг вилоятнинг тоғли гўшасида жойлашган Олтинсой туманига, аниқроғи, Сўфи Оллоёр ҳазратлари сўнгги қароргоҳ қилган, умрининг иккинчи ярмини ўтказган ва дафн этилган Катта Вахшвор қишлоғига йўл олишди. Бу ерда шоир, олим қабрини зиёрат қилдилар, одамлар билан мазмунли учрашувлар уюштирдилар.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Ташқи Иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши, бу борада йўлларнинг кенг очиб қўйилиши натижасида республикамизга хорижий фуқароларнинг келиб-кейтиши учун имкониятлар яратилган. Бироқ гуруҳида курмаги бўлганидек, мамлакатимизга гаразли ниятлар билан ташириб буюраётган меҳмонлар ҳам йўқ эмас. Аммо божхона ходимларининг сергакликлари туфайли божхона постларида ғайриқонуний уринишларнинг барчасига барҳам берилмоқда. Қуйида этиборингизга ҳавола этилаётган хабарлар Тошкент шаҳар божхона постларидан олинган.

* 13 июл куни божхона ходимлари Тошкент-Лондон самолётининг йўловчиларини назоратдан ўтказишганда М. исмли Қозоғистон Республикаси фуқароси баённомада қайд этилмаган 1300 АҚШ долларини олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

* 15 июл куни эса божхона ходимлари томонидан Тошкент-Афина рейси билан қатнаётган самолёт текширувдан ўтказилганда грециялик Ф. исмли шахснинг ёнида божхона баённомасида кўрсатилмаган 3 дона қадимий нодир китоб борлиги аниқланди.

* Тошкент-Франкфурт самолётининг 16 июл кунги ҳаво рейси йўловчилари божхона назоратидан ўтказилганида Е.

исмли шахсда ғайриқонуний йўл билан олиб кетишга уринилган 4 дона қадимий тангалар борлиги маълум бўлди.

* 17 июл куни Тошкент-Карачи самолётининг йўловчилари божхона текширувдан ўтказилаётганда Ф. исмли аёл оқ металлдан ясалган 2 жуфт қадимий буюмни ўзи билан ғайриқонуний тарзда олиб кетаётганлиги аниқланди.

* Худди шу куни божхона ходимлари томонидан Тошкент-Амстердам самолёти йўловчилари назоратдан ўтказилганда С. исмли «чойхўр» бир фуқаронинг ёнидан қимматбаҳо сарик металлдан ясалган 6 дона чой қошиғи топилди.

* 18 июл куни Тошкент-Франкфурт самолёти йўловчилари божхона кўригидан ўтказилганда 1977 йилда туғилган Д. исмли фуқаро 615 АҚШ доллари ғайриқонуний равишда олиб кетмоқчи бўлганлиги аниқланди.

* Божхона ходимлари Тошкент-Ислмобод самолётининг 20 июл кунги рейси йўловчиларини назоратдан ўтказишганда Чебоксари Давлат Дорилфунунида таҳсил олаётган С. исмли Покистон фуқаросининг ёнидан божхона баённомасида қайд қилинмаган 400 АҚШ долларини топишди.

Шавкат ЖАЛИЛОВ



Оламда ган кўн

«ҚУЁШ, НУРИНГ СОЧАВЕР МҮЛ-КҮЛ»

Австралиялик таниқли астроном Ричард Блесс узоқ кузатишлардан кейин «Қуёш яна 5-6 йил давомидагина ҳозиргидек ёритиб ва иситиб туради. Сўнг унинг энергияси камайиб, сўна бошлайди», деган хулосага келди. Лекин бир қатор етук астроном-олимлар ўз ҳамкасбларининг бу фикрига қўшилмаяптилар.

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР



Тайванда миллатнинг виждони деб ата-луви бу аёл будда роҳибаси бўлиб, жа-хоннинг 10 дан ошқ мамлакатларида му-хтожлари дори-дормонлар билан таъмин-лаш ва уларнинг фарзандларига фан, ма-риф соҳаларида ёрдам бериш билан шу-гулланувчи «Тзу Чи Фаундейшн» номли хал-қаро хайрия жамғармасини бошқаради. Ку-зиғи шундаки, у жамғарманинг саховат бо-расидаги эзгу ишларида ўзининг шахсий хиссасини қўйиш ниятида ҳатто жамғарма бошқарувидаги масъулиятли ишларидан ор-тиб, ҳар кун эринмасдан қийинлар ти-шиш ва шамлар ясашга ҳаракат қилади. Буларнинг сотилишидан тушган маблаг эса жамғармага ўтади.

Тайваннинг Хуалин шаҳри ташқариси-да бунёд этилиши керак бўлган ва жа-мғарманинг асосини ташкил этувчи Тзу Чи касалхонаси қурилатганида Ченг Йен япо-ниялик бир миллионернинг касалхона учун ажратган 20 миллион доллар хайриясини рад этди. «Кичик-кичик саов ишларнинг йиғилиб қудрати бир кунга айлишини ис-

таймиз. Агар осмондан тушгандек катта ма-благ билан бу йўналишдаги ишларни амалга оширсак, унда саховат миннатга айланиши мумкин» — деганида Ченг Йен рад этишининг сабабини тушунтириб.

Маълум бўлишича, Ченг 15 ёшда будда роҳибалигини қабул қилган. Бир кун унинг онаси оғир касаллика учрайди. Шунда она-сини ҳаддан ташқари севувчи бу қиз Будда-га илтижо қилиб, онасига шифо беришини ва бунинг эвазига ўзи роҳибаликни қабул қилишини айтиб, оғир ичди. Мўжиза юз бериб, она шифо топди ва Ченг ҳам ўз сў-зида турди. Бу борадаги махсус тахсилни тугатгандан кейин ёш роҳиба будда қоида-сига биноан тоғдаги похол чайлада одам-лардан ажралган ҳолда кун кемира бошла-ди.

Буддизмнинг у мансуб бўлган оқими ва-қиллари билан Рим католик черкови роҳи-балари орасида мунтазам равишда бўлиб ўтадиган диний баҳсларда у католик чер-ковининг будда олдидаги баъзи бир устунли-ларини кўрди. Буддистлар ҳам аслида эъти-

қод ва эзгу ният борасида улардан қолиш-майди. Лекин ҳаётга уларни татбиқ этиш масаласида камчиликлар мавжуддай эди, унинг назарида. Чунки Будда роҳиблари тушган маблагларни мухтожларга тарқат-гандан кўра ибодатхона қуришга сарфла-шни афзал билишди. Диндошларини қандай қилиб бошқа йўналишдаги хайрли ишларга торттиш ҳақида бош қотириб юрганда, Ченг касалхоналардан бирининг бепул даволаш-дан бош торттиши натижасида вафот этган ҳомиладор камбағал аёл ҳақида эшитди. Бу шум хабар уни дарҳол ўйлаган режаларини амалга оширишга ундади.

Ўттиздан ошқ дўстлари ва ишончли ҳам-корлари билан биргаликда жамғарма тузиш-га муваффақ бўлган роҳиба дастлаб бошлар кийимла-рини ти-киб сота бошлади. Сотувдан тушган пуллар камбағал-ларнинг бепул да-волани

шига сарфланарди. Бир неча йилдан кейин жамғарма бепул тиббий хизмат кўрсату-чи бир хонали касалхона очди. 1986 йил-га келиб 750 ўринли Тзу Чи касалхонаси ишга туширилди. Ҳозирда бу Тайвандаги ҳар кун 1500 дан ошқ мухтож бемор-ларга бепул хизмат кўрсатадиган ягона ка-салхона ҳисобланади.

Ченг Йен буддист роҳибаларга хос од-дий тарзда яшада давом этмоқда. 58 ёшга кирган бу саховатпеша аёл ҳамон тетик-бардамлик билан жамғармага раҳ-барлик қилаётир.

Салоҳиддин СИДДИКОВ
тайёрлади



ган «Маҳмудий» лақабли филида чиқарди. Унинг қўшинлари Макка шаҳрини ўраб олди. Уша пайтда Маккада Қурайш қабиласининг бошида пайғамбаримизнинг боболари Абдул-муталлиб турарди.

Абдулмуталлиб душманининг бу даҳшатли қўшини қаршисида ўзини йўқотиб қўймади. Абраҳа Абдулмуталлибга бир элчи жўнапти.

«Мен сиз билан урушшга эмас, Каъбани йиқитишга келдим», деди элчи унинг номи-дан.

Лекин, айна пайтда, Абраҳа қўшинлари маккаликларнинг туяларини зўрлаб олиб ке-тишди.

Абдулмуталлиб ҳам тўғри Абраҳанинг ол-дига бориб:

«Мен ҳам Каъбани бузмасликларингни ил-тосишга қўлиб эмас, туяларини қайтариб олишга келдим. Каъбанинг эгаси уни ас-райди!» деб туяларини олиб, Макка аҳолиси билан бирга тоғларга чиқиб кетди.

Бироқ Қурайш Каримда зикр этилгани-дек, ҳабашийларнинг бу қўшини катта фа-локатга учради, «қурт-қумурсқалар чайнаб ташлаган сомондек» (илма-тешик) бўлди. Ҳат-токи улар олдинроқ қўлга қиритган макка-ликларнинг ҳайвон подаларини ҳам олиб ке-тишолмади.

Талофотга учраган Абраҳа қўшинининг қийин аҳволга тушиб қолганини кўриб, чеки-нишга мажбур бўлди. Бу воқеани Абдулмутал-либ бир манзувасида жуда чиройли тушун-тириб берган эди.

Тарихда «Фил воқеаси» деб тилга олина-диган бу муҳим ҳодисадан 54 кун кейин Ҳаз-рати Муҳаммад алайҳиссалом Макканинг шар-қида—Ҳошим ўғиллари маҳалласида, дада-ларидан мерос бўлиб қолган ўз уйларида, сахар пайти дунёга келди.

Қўлаб тарихий ёдномаларда пайғамба-римиз туғилган кечаси бир неча ажойиб-га-ройиб ҳодисалар рўй берганини ёзилади. Жумладан, ўша кеча Каъба ичидagi бутлар юзтубан ҳолда тушиб синган; Мадойин шаҳ-рида Кисранинг (Эрон ҳукмдорининг) саройи тўсатдан силкинган ва ўн тўрт устун йиқил-ган; Истахробда шахридаги ошпастралар синаётган катта гулханлар ўзидан-ўзи сўн-ган; Сава қўли қуриган; Самова дарасидаги сув тошган; Эроннинг энг буюк ҳукмдори Мо-бизон туғида бир сурув араб туялари ва отларининг Дажла дарёсини кечиб Эрон туп-роқларига тарқалганлигини кўрган... каби ҳо-дисаларнинг бўлганлиги қайд этилган. Бу маълумотлар Табароний, Байҳақий, Абу Нуайм, Ибни Асокирларнинг асарларида бор.

Ҳолбуки, Имом Бухорий ва Имом Муслим каби муҳаддисларимизда бундай ривоятлар йўқ. Бу борада «Асри Саодат» асарининг муаллифи Мавлоно Шибилӣ бундай дейди: «Ҳақиқат шудирки, йиқилган у сарой Кис-ранинг саройи эмас, балки бутун Эрон сал-танати, Византия қудратли Хитойнинг довр-уи эди. У сўнган гулхан мажусийларнинг ибод-атхоналарида ёнган олов эмас, бутун ер юзи-даги қуфр олови эди. Қуриган Сава қўли эмас, бутпастраларнинг ҳўрмийати, зардуштийлар-нинг қуввати, христианликнинг устиворлиги эди».

(Давоми бор)

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ВА АШАРАИ МУБАШШАРА ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ТАВАЛЛУДЛАРИ

гача ҳассослик билан кузатиб борган асхоби киром учун бундан осон иш йўқ эди. Шундай экан, бу оддийгина иш нимага амалга оши-рилмади?

Муслмонлиқда қудсият фақатгина бир борлик устига тўланган. У ҳам бўлса, Аллоҳ Таолодир. Бошқа ҳеч бир борлиққа қудсият беришлик жоиз эмас. Шунинг учун Исрома «муқаддас хотира» тушунчаси йўқ. Бирон кун, бирор одам ёхуд хотирани муқаддаслашти-риш бутта сийғинишнинг бир кўринишидир. Муслмонлик эса, бутпарастликнинг азалий ва қатъий душманидир.

Бутта сийғиниш билан Исрома дини ўзaro кескин мухолифда бўлганлиги учун илк му-слмонлар авлодларида «муқаддас кун», «му-қаддас одам», «муқаддас хотира» деган бир-ор бир мерос қолдирмаганлар. Улар авлод-ларининг Аллоҳга бўлган ҳўрмат-этиҳодла-рига бу каби нарсалар билан дарз кетишини истамаган.

Саодат асри муслмонлари ўзларидан кейин келаётган муслмонларни бутта сий-ғинишнинг ҳар қандай шаклидан муҳофаза қи-лишган, йимони сўсайтирувчи бутун маро-симларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаганлар. Илк муслмонларнинг чуқур тафаккур билан қилган бу сазй-ҳаракатлари ҳақиқатан тахсинга лойиқдир. Кейинги давр муслмон-лари эса, Пайғамбарнинг туғилган кунини му-қаддаслаштириш орузида «тадиқотлар» бош-лаб юбордилар. Оқибатда баҳс, иштилофлар юзга келди.

Ҳазрати Пайғамбарнинг хотирини ёд эти-ши истаган бир муслмон бунинг учун аниқ бир кунни танлаши шарт эмас. Қиймат кун ё соатга эмас, шахсининг ҳар томонлама қомил ва ҳар томонлама намуна бўлишига боғлиқ-дир. У зотнинг шахсиятига қўрсатилдиган ҳўрмат-эҳтиромни у ёки бу кунда маросим ўтказиш билан адо этиб бўлмайди. Бу нарсa У зоти муборакка энг самимий ришталар би-лан боғланиш ва Унинг руҳини яшатиш ор-

шунани тан олмаслиги унинг энг аҳамиятли васфларидан биридир. Чунки муслмон учун муборак бўлмаган бирор кун ва бирор соат йўқ. Ҳар кунини, ҳар соатини муслмончаси-га, Ҳазрати пайғамбар айтганларидек ва иста-ганларидек ўтказган инсон оруз қилган са-воб-баракотини топади. Бинобарин ўша кун, ўша соат унинг учун қадрли, му-борақдир.

Сўнги йиллар муслмонларининг ило-ҳий ҳаёт тарзини бир қанча одатларга боғлаб, ҳақиқий исломий ҳаёт тарти-бини эмас, қандайдир урф-одат ва ма-росимларни тириштириш мақсадида кун-ларнинг ҳисобини қилишлари, бу йўлда-ги сазй-ҳаракатлари фойдасиздир.

Расули Акрам туғилган Фил са-наси «Фил воқеаси» сабабли маккаликлар орасида тақвим боши ҳисобланарди. Хри-стианлик Рим императорлиги томонидан рас-мий дин сифатида қабул қилингандан кейин бу дин Ҳабашистонга ёйилган эди. Визан-тия императорлари ҳам Нахрон (Нахрон би-лан Яман орасида) ва Адам тарафларига христианлик олиб киришган эди. Яҳудийлик эса Яманга ҳийайрилар замонда кирган эди. Ҳимйарий давлати йиқилгандан сўнг Яман христиан Ҳабаш итисолсига дуч келди.

Ҳабаш қўшинининг қўмондони Абраҳа му-таассиб бир христиан эди. Араб ярим оро-лига христианликни ёйиш мақсадида Яман-да, Санъо шаҳрида чиройли ва ҳашаматли черков қурдирган эди. У Каъбага зиёрат учун келаётган арабларни Санъо черковида буриш учун Каъба зиёратини тўхтатиб қўйди. Ҳи-жозлик икки дўст Санъо черковида қирдирлар. Черков деворларидаги расмларнинг устидан чиқиб, қўриб кетдилар.

Абраҳа бу ишнинг маккаликлар томони-дан қилинганлигини билди ва Маккани забт этишга, Каъбани йиқитишга қарор берди. Қўп вақт ўтмай Ҳижозга юриш бошлади.

Абраҳа ҳар жанга «кароматли» деб бил-

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Расули Акрам саллаллоху алайҳи васал-лам таваллуд тогган сана тарихчилар ўрта-сидаги мунозарали мавзулардан биридир. Баъзилари 569 ва 577 йилни кўрсатишса, бошқалар 571 йилни пайғамбаримизнинг ту-ғилган йиллари деб исботлашга уринишади.

Миср расадхонасининг собиқ мудири, фа-лакийёт олими Маҳмуд Фалакий Пошо 1858 йили француз тилида ёзган бир рисоласида Расули Акрамнинг туғилган йиллари ҳақида янги илмий маълумотлар берган эди. Маҳ-муд Фалакий бу рисолада шундай дейди: «Бухорийнинг маълумот беришича, ҳижрат-нинг унинчи санаси Ҳазрати Пайғамбарнинг (с. а. в) кичик ўғиллари Иброҳим ўлган ва ўша кун қўёш тутилган эди. У пайтда Расули Акрам 63 ёшда бўлганлар. Унинг ҳижрий йилда содир бўлган бу Қўёш тутилиши ҳоди-саси милоннинг 632 йили январ ойининг 7-кунига тўғри келяпти. Ана шу сана асосида Расули Акрамнинг қамарий ҳисоб бўйича ол-тимиш ўч йиллик ҳаётлари орқага қараб ҳи-собланадиган бўлса, тутилган йиллари 571 йилнинг 13 апрели—рабиул аввалнинг 1—ку-ни бўлади».

«Ривъул-Мухтор» номли асарнинг муал-лифи Ғози Аҳмад Мухтор пошо Маҳмуд Фа-лаккийнинг фикрларига бундай изох беради: «Юпитер буржи билан Сатурн буржи 571 йилнинг 30 мартада Чаён буржида йиғил-ган, Расули Акрам ҳам ўша йили таваллуд тогланлар. Бироқ 13 апрел яқинда кунига тўғри келади. Рабиул аввалнинг биринчи яр-мидаги яқинбалар эса, иккинчи ва тўққи-зинчи рабиул аввал кунларидир».

Ҳазрати Пайғамбарнинг 63 ёшини тўлди-риб, рабиул-аввалнинг биринчи кун вафот этганиларини кўзда тутса, таваллуд кун-лари ҳам 63 йил олдин—рабиул аввалнинг биринчи кун бўлиши лозим. Лекин рабиул аввалнинг биринчи кун яқинда кунига тўғри келгани учун, тутилган кунлари бир кун кейин (2 рабиул аввал, душанба) бўлганли-гига шубҳа йўқ. Чунки вафотлари рабиул ав-валнинг биринчи яқинда кунига, тушдан кейин бўлган эди. Туғилишлари ҳам рабиул аввал-нинг иккинчи душанба кун тонгида содир бўлганлигига кўра, рабиул аввалнинг бирин-чи кун тушдан кейинги ўлим воқеаси билан иккинчи кун тонгга яқин бўлган туғилиш ҳо-дисаси орасидаги вақтнинг қанчалар оз экан-лиги ўз-ўзидан кўриняпти.

«Олий тарих» китоби бундай дейди: «Ра-сулulloх саллаллоху алайҳи васаллам Фил йилида, яқинда кунига кечаси, бир ривоятда, рабиул аввалнинг 12-кечаси дунёга ташриф буурдилар».

Аҳмад Расим ушбу хулосага келади: «Айтолган ривоятларнинг энг тўғри-

Оламда ган юқи

ҚЎҒИРЧОҚ-НАБИРАЛАР

Мюнхенлик ихтирочи Герман Манфелт ташқи қўрғинчи ҳақи-қий болалардан фарқ қилмайдиган қўғирчоқлар яратди.

«Олий тарих» китоби бундай дейди: «Ра-сулulloх саллаллоху алайҳи васаллам Фил йилида, яқинда кунига кечаси, бир ривоятда, рабиул аввалнинг 12-кечаси дунёга ташриф буурдилар».


Аҳмад Расим ушбу хулосага келади: «Айтолган ривоятларнинг энг тўғри-

1336

АМИР ТЕМУР:

ҚУДРАТИМИЗГА ШАК-ШУБЎАНГИЗ БЎЛСА,
БИЗ ҚУРДИРГАН БИНОЛАРГА БОҚИНГ...

1996



лаётган бир пайтда дунёнинг қайсидир бир бурчида Темур бобомизга бағишланган тулпамлар нашр этилаётганини эшитамизу шундай улуг юртда тугилганимиз учун минг бора шукроналар айтамыз.

Хуш, соҳибқироннинг киндик қони томган, аллалаб вояга етказган юрт — шаҳри Кешда ишлар қандай?

Бу кун Шаҳрисабзнинг ҳатто кучаларида байрамона кайфиятда десам муболага булмас. Шаҳардаги Амир Темур номи билан боғлиқ ҳар бир жой алоҳида эътибор билан урганилиб, қайта тикланмоқда.

ОҚСАРОЙ

Ушбу тарихий обида ҳақида билмаган ёки эшитмаган ҳамюртларимиз булмаса керак. Унга 1380 йилда асос солинган ва йигирма йилдан зиёдроқ вақт мобайнида қуриб битказилган. Тарихий манбалардан аниқланишича иншоотнинг баландлиги 70 метрга етган.

Бобурнинг шоҳидлик беришича, Оқсаройда тантаналар утка-

шидан буён 2900000 сумлик иш бажарилди.

ДОРУССАОДАТ
МАЖМУАСИ

Амир Темур номи билан боғлиқ яна бир улкан бино Доруссаодат мажмуасидир. 1376 йил Темурнинг тунгич ўғли Жаҳонгир 20 ёшда вафот этади ва жасади Шаҳрисабзга келтирилади. Бир неча йилдан сўнг хоразмлик усталар Темурнинг фармонига мувофиқ марҳум амирода шарафига жуда салобатли бино — даҳма қурдилад. Бу бино Доруссаодатнинг бунёд этилишига асос солди.

Дафъатан қараганда тарқоқ ҳолдаги ёдгорликлар — «Ҳазрати имом» ва ундан 40 метр нарида жойлашган ер ости сағанасини бир-бирига боғлиқ дейиш қийиндек. Лекин қадимда уларнинг ҳар иккиси ҳам ягона улкан бино — Доруссаодатнинг ажралмас бир қисми бўлиб, Теурийлар хилхонаси ҳисобланган. Бугун бу бинонинг нураган жойлари қайта тикланиб, нақшлари ўз ҳолига келтирилмоқда.

ДОРУТТИЛОВАТ
МАЖМУАСИ

Ушбу мажмуага Кўкғумбаз масжиди, Шамсиддин Кулол мақбараси ва Гумбази Саидон мақбараси киради. Ёдгорликлар ичидан қадимийси Шамсиддин Кулол мақбарасидир. Мақбарада шайх Шамсиддин Кулол, унинг пойи қадамида Темурнинг отаси — Тарагай дафн этилган. Археологик изланишлар

ва тиклаш ишлари давомида бу ердан бошқа сағаналар ҳам чиқдики, бу энди урганилиши лозим иш.

Маълумки, соҳибқирон Амир Темур саидларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик қурсатган. Ундаги бу хислат фарзандлари ва набираларига ҳам ёт бўлган. Мажмуадаги Улугбек томонидан 1437-38 йилларда қурдирилган

Гумбази Саидон мақбараси бунга мисолдир.

Шу мажмуага тааллуқли, ўзига хос қурилиш иншоотларидан яна бири Кўкғумбаз масжидидир. Уни 1435 йилда Улугбек уша даврда ҳокимлик қилган отаси Шоҳруҳ номидан қурдирган.

Доруттиловат мажмуасини тиклаш ва таъмирлаш ишида йил бошидан буён 2701000 сумлик иш бажарилди.

Шаҳрисабздаги диққатга сазовор ишлардан яна бири янги бозор ва Мустақиллик майдонидаги қурилишдир. Бу ерда қад ростилайдиган Амир Темур ҳайкалида мустақиллигимиз билан ҳамоҳанг рамзий маъно бордек.

Ушбу мажмуаларни таъмирлаш ва ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш ишларида шаҳар тарихий обидаларни таъмирлаш устахонаси, Ҳисорак сув қурилиши трести, Фаргона махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахонаси усталари ҳамда хоразмлик усталар хизмат қурсатишмоқда.

Олиб борилаётган ишлар билан таниша туриб, муаммолар, қийинчиликларни ҳам билмоқ учун шаҳар ҳокими Азим Зайниддиновга учрашдик.

— Бажараётган ишимиз ҳозиргача ҳеч бир тўсиққа учрагани йўқ, — дейди Азим Зайниддинов. — Бизга керакли маблағ мунтазам равишда ажратилиб турибди. Биз бу билан чекланиб қолмасдан, ички имкониятлардан ҳам фойдаланиб, ишни кўнгилдагидек амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Темур бобомиз инсон ақли шошиб қоладиган даражадаги гузал обидаларни бизга мерос қолдирган экан, буни сақламаслик, таъмирлашда сусткашлик қилиш гуноҳ деб ўйлайман. Шаҳримизда ишлайётган қурувчилар, шофёрлар, ҳамма-ҳаммаси тинимсиз меҳнат қилишиб, бобомиз руҳини шод этиш истагидалар. Фурсатдан фойдаланиб шундайин жонкуяр, фидокор ҳамюртларимизнинг барчасига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Тилагим — янада гузал, навақирон шаҳар биздан авлодларимизга мерос қолсин.

АМИР ТЕМУР
ЎГИТЛАРИ

Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириш мумкин.

Яхшини ёмон кунда сина.

Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан кутилиб бўлмайди.

Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Филнинг думи бўлгунча, чумолининг боши бўл.

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Бир кун келадики, золим ўз бармоқларини тишлайди.

Ажал — кўрқоқларга баҳона.

Адоват эмас — адолат енгади.

Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни.


Душмандан кўркма, мунофиқдан кўрк.

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик — номардлик саналади.


Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилган.

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.



зиладиган катта гумбазли хона бўлиб, унда давлат кенгаши — девон мажлиси қақирилган. Унинг атрофидаги кичик хоналарда тавожибек ва девонбекларнинг йиғилишлари утказилган. Ҳовли равоқ билан уралган, у орқали меҳмонхона ва истиқомат қилинадиган хоналарга кирилган. Қисқача айтганда, «Ҳеч ким бундай иморатни ҳеч қачон қурмаган ва унга ухшашини бунёд этмаган...» деб ёзган эди тарихчи Низомиддин Шомий.

Аммо, шундай муҳташам иншоотдан кириш пештоқининг 35 метрлар чамасидаги икки поясиғина сақланиб қолган. Обиданинг шу ҳолатини сақлаб қолиш учун йил бо-



Саҳифани Ботир
ЭРНАЗАРОВ тайёрлади

Йўлдош СУЛАЙМОН

ЭНТИКИБ БОҚАМАН ГЎЗАЛ ОЛАМГА

ПАРВОНА

Дунёни жуда куп
кезганларданман,
Саёҳат лаззатин
сезганларданман,
Неча бор айландим
Европасида,
Уша Тож Маҳалга битиб
қасида,
Шоҳжаҳон сиймосин
яратдим шеърда,
Ҳим етмаган жой бор
қаерда?
Истамбул, Карачи, худди
уйимдай,
Кавказнинг таърифи ёнар
куйимда.
Ҳажнинг сафаридан
изладим савоб,
Маккани неча бор
қилганман тавоб.
Қайси зиёратдан уйга
қайтганда,
Ўзимга сигмайман,
ростин айтганда-
Онам ҳузурига чопиб
бораман,
Янги-янги гаплар топиб
бораман.
Энтикиб боқаман гўзал
оламга,
Ҳикоя қиламан барин
онамга!
«Мени ҳам олиб бор»
демайди, аммо,

Менга илинади, емайди,
аммо —
Куз ёшини тукар
суянганидан,
Мени ортиқ курар ҳатто
жонидан —
Атрофимда кеча-кундуз
парвонам-
Қишлоқдан нарини
курмаган онам!

СЕНИ КУТАР

Тобинг беҳос қочган экан,
Суриштириб бордим
йўқлаб.
Нега бунча гамга ботиб,
Бир асабий титратиб лаб:
Куним битган қуринар, —
деб
Ҳолсизланиб йиглаяпсан.
Оёгингда юриб туриб,
Ўз-ўзингни тиглаяпсан.
Умидсизлик емиргани
Юзларингдан сезилапти.
Фарзандларинг,
жигарларинг
Сузларингдан эзилапти.
Касал келиб-кетар меҳмон,
Ваҳимали уйдан қайтгин.
«Ким кейин, ким илгари»
деб —
Шоир ҳақли гапни айтган.
Ўлмай туриб, улиб кетма,
Бошингни, ҳей, баланд
кутар.

Уйла, қанча етилмаган
Орзуларинг сени кутар.
Ёруғ дунё лаззатининг
Ҳаёлидан булма жудо.
Ҳаётдан ким олдин кетар,
Буни фақат билар Худо!

ФИДОДИР ЖОН

Қишлоғимнинг олди қизи:
Шириликда жоннинг узи.
Ошиқларнинг ёлғиз сузи,
Айтсам исму шарифингни
Ҳамма билар таърифингни!
Эркаланар ун саккиз ёш,
Шахло кузу қалдирғоч
қош,
Сендан олар утни қуёш,
Шунчалар ҳам жилолисан,
Сен оиларнинг ҳилолисан!
Куксинг узи «боғи эрам»,
Дунёда йўқ бундай ором.
Нигоҳларинг этади ром,
Шу ҳузурга етолмадим,
Ёки ташлаб кетолмадим.
Изингдадир чақнаб кузи,
Сендан узга йўқдир сузи.
Йўлдош сенга қулми узи,
Сенсиз тандан жудодир
жон!

ҲАЁГА ҚАЙТ

Бегонага
сузилган куз,
Диёнати
узилган куз,

Иболари бузилган куз,
Соҳибини хароб этар,
Бор-йўгини сароб этар,
Бунга сира мисол
булма,
Ҳам мазоҳу масал булма —
Охирида ўсал булма,
Йигиштиргин

эртагингни,
Йигиштиргин этагингни.
Гулдан-гулга кучган

қушдай,
Гоҳ осмонни қучган
қушдай,
Умринг утиб борар тушдай,
Маишатнинг йулида сен —
Яна кимнинг қулидасан?
Ўзни ая, қузни ая,
Юзни ая, сузни ая.
Қаердасан шарми ҳаё,—
Ўртанмагин кейин-кейин,
Шундай қилсанг охир
қийин!

Шайтони бор кайфу сафо,
Келтиради бошга жафо,
Йўлдош сенга тилар вафо.
Қани, узинг узингга айт:
Ибога қайт, ҳаёга қайт!



си, менга ўхшаган уятчанроқларнинг ёнида хотини бўлмаса, керакли нарсани ҳам ололмай уйига қуруқ қайтаверади.

Кишлоқдан шаҳардаги бозорга иш билан тушган Адашбой тоғага бир нарска керак бўлиб қолибди. у ёкка ўтибди, бу ёкка ўтибди, охири ўша нарска сотилаётган жойда тўхтабди. Аввалига ийманиб турибдида, сўнг оғзидан тухумдай-тухумдай пуфак чиқариб сақич чайнаётган сотувчи қиздан секингина сўрабди:

— Қизим, анавундан иккитасини бериб юборгин.
— Нимадан, амаки?
— Анавунданда, қизим, анавундан.
— Вой, нимадан ахир, амаки, ё нонини айтинг, ё ўзини кўрсатинг.
Адашбой тоға ўша нарсани қўриб турибди, лекин кўрсатолмади, номини ҳам билади, аммо айтишга уялади...

Марғилонда бўй етган қизлар кўпроғу, эр етган йигитлар камроқ экан. Тадбиркор марғилонликлар бу тақчилликка барҳам беришининг йўлини тезда топишибди. Қандай қилиб дейсизларми? Бир ҳушовоз хонанда бор. Сиз унинг қўшиқларини албатта эшитгансиз. Зўр айтиди. Марғилонликлар ўша хонандага «Марғилондан қиз олинг» деб қўшиқ ёзиб беришибди. Ҳофиз ҳам қиёмага етказиб ижро этибди. Шу қўшиқнинг кассеталарини бозорларга тарқатишибди. Ҳамма бозорда битта қўшиқ — «Марғилондан қиз олинг». Ўтган ҳам эшитади, кетган ҳам. Лекин рекламага гап кўп экан. Шу қўшиқдан кейин Марғилонга совчилар серкаторов бўлиб қолишибди.

Бу ҳам бозорда, а лаббай!
Абдураззоқ ЎСАРОВ

• Бир кун

«ТЕШИБ
ЧИҚСИН»

Иш кун тугагач, ҳамкасб дўстим билан ҳар кунги одатимиз бўйича бозорга кирдик. Мева-чеваю сабзавотлар кўпайиб, нархлар анча арзонлашиб қолганидан гаплашиб, яхши бир кайфият билан расталарни ораладик. Рўзгорга ул-бул харид қилиб бозордан чиқиб кетаётган эдик, дарвоза олдида қурт соти ўтирган 10—12 ёшлардаги қизча эътиборимизни тортиди.

— Кеп қолинг, ёғлик қурутларга, еганлар дармонда, емаганлар армонда, — худди катталардек чертиб-чертиб гапириб харидор чорларди қизалоқ.

— Жудаям бийрон қизча эканми, — деди дўстим кулимсираб. — Бизнинг болаларга бир ой эринмай ўргатсанг ҳам бунақа эплаб гапиришига қўзим етмайди.

Дўстимга қизчанинг, ўзи айтганидай, бийрон — бийрон гапиришлари ёқиб қолдими, харқалай, унга яқинлашиб сўради:

— Қурутларинг неча пулдан?
— Донаси бир сўмдан, қаранг, қанча йирик — йирик. Олинг, жудаям ёғлик, маза қиласиз.

Дўстим олти дон курут олди-да, қизчага 5 сўм узатди:

— Бўладими ёки яна 1 сўм берайми?
— Бўлади, — деди қизча пулни ҳаёнга солар экан. Сўнг эшитилар — эшитилмас қилиб қўшиб қўйди: — Тешиб чиқсин.

Бу сўзларни эшитган дўстим бир муддат нима қиларинию, нима деярини билмай туриб қолди. Кейин қурутларни жойига қўйиб пулни қайтариб олдида, индамай нари кетди.

Иккаламиз ҳам уйга бир сўз демай, мум тишлагандек жим кетдик. Бояги яхши кайфиятимиздан, хурсандчилигимиздан асар ҳам қолмаган, таъзимиз тирриқ бўлган эди.

Даврон БЕК

Ё товба, дунёнинг ишларига ҳайронман. Қаёққа қараманг бозор. Бозор жойда ҳам бозор, бозор бўлмаган жойда ҳам бозор. Кундузиям бозор, кечасиям бозор. Кўчада, уйда, мактабда, ҳатто болалар боғчасида ҳам бозор. Девор-дармиён кўни-қўшиллар орасида «қўшни бозор», қариндош-уруғлар орасида эса «ички бозор» каби бозорлар пайдо бўлмоқда.

Бизлар болалигимизда чиллак, ботиртой, чўзмакулоқ деган ўйинларни ўйнардик. Ҳозирги болаларнинг севган ўйини «бозор-бозор». Яқинда кичкина қизимга беш сўмга дафтар олиб берсам, дугонаси билан уйнаб олти сўмга сотибди, кейин бу пулга ўша қизнинг ўзидан учта сақич олибди.

Айниқса, ўқитувчилар билан боғча опаларга мазза бўлиб қолди. Мактабларда барча ўқувчилар ёппасига «беш»га ўқияпти. Бунинг сабабини бозор. Ким «уйга вазифа»ни нақдига ва қимматроқ «бажариб» келса, «беш» тайин. Шунинг учун ўқувчилар дарсда «мен жавоб бераман»нинг ўрнига «мен сотиб келаман» деб иккала қўлларини баравар кўтарадиган бўлишган. Ахир, бошни қотирмай «аъло» баҳо олиш кимга ёқмайди дейсиз?! Боғча опалар ҳам кичкинтой болаларга мос нарсаларни, бежирим қўйлагу иштончаларни «уйда дадажонларингга, ойи-жонларингга кўрсатинглар, ёкса олиб берсин», деб болалардан бериб юборадиган бўлишган.

Бозорларда сотувчининг кўплигини айтмайсизми? Ё қудратингдан, олувчидан сотувчи кўп. Бунинг устига бозор деган жойнинг ўзига яраша қонун-қоидалари ва йўл-йўриқлари бўлар экан. Унга кўра, бозорчи, яъни сотувчи ўзига мос ва маъқул жойини нақд пулга сотиб оларкан. Сотиб олинган жой баъзи олиб-сотарлар учун худди никоҳланган хотиндай бў-

либ қолар экан. Никоҳни эса бозорком ўқийди. Кимга-кимга, мана шу бозорком билан паттачиларга сотувчи кўпайса, худди саратонда мориқиб музқаймоқ ялагандай мазза экан-да! Бозордан яхшироқ жойнинг тегиши «клиент», яъни шу бозорга

қайтган бозорчи ният қилган сотувчининг бозоркомга «кистирадиганига» боғлиқ. Дадил кистирилса, яхши, энг гавжум жой тегади. Аксинча бўлса, «далши жой», яъни бозорнинг энг ноқулай, чет жойига тушиб пашшасини қўриб ўтираверади.

Бозорда ҳамма молини мактаб сотади. Сотатган нарсасини мактамаётган аҳмоқни кўрмаган бўлсангиз керак. Масалан, бир йигитнинг қўлида тоғора. Тоғорада тўла сомса. Сомсани макташини қаранг: «Кеп қолинг, сомсаларнинг додасига! «Бирор жойда «Сомсаларнинг онасига келинг» деган гапни эшитмадим. Аслида бу сомса ғирт пиёздан ёки қарамдан бўлган (бўёги нимаининг нархи пастроқлигига боғлиқ). Бошқача айтганда, етим сомса. Лекин бозорда етим эмас. Агар эгаси ростини айтиб «етим сомса» деб сотса, унинг ўзи «банк-рот»га учраб, «етим» бўлиб қолиши тайин.

Бу, «ёйма бозор»даги бир ҳолатга ҳайронман. Ё товба, эркакларнинг нарсасини аёллар сотади, аёлларники эркалар, йигитлар қиядиганни қизлар, қизларнинг нарсасини эса девдай-девдай йигитлар олдида ёйиб қўйиб мактаб-мактаб сотади. Тўғри-

• Кўзгудаги ўзимиз

ОППОҚ КАПАЛАК

Дераза

Икки ярим яшар Мафтунанинг кўзлари очиқ кетди.

Мафтунада сариқ касаллигининг аломатларини топишган шифокорлар уни Сурхондарё вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ётқизишди. «Қурқманг, касали хавфлимас» дейишди врачлар пинагини бузишмай. Ўйнаб, чопқиллаб юрган, бунинг устига бирон марта касалхонага тушмаган қизалоқни безовта қилаётган дард хавфли эмаслигини ота-она билан ҳам кўнгиллари алла-нечук гаш эди.

Икки кун давомида деярли врачлар назоратидан четда қолиб кетган Мафтуна дард уз исканжасига олади. Натижада ёшгина организмдаги изчиллик бузилиб, қизалоқ юзидаги илиқлик, қувноқлик ўрнини афтода бир ҳолат эгаллай бошлади. Бунинг вақтида пайқаган она шифокорларга мурожаат қилганда, «намунча хавотир оласиз, реанимацияга уткази-

миз, дори-дармон олиб келсангиз, отдай қилиб даволаб юбораверамиз-да», дейишди. Мафтуна бунимга утказишди ҳам. Аммо бўлим бошлиғи онанинг қизи ёнида бўлишига эътироз билдирди: «қизингизнинг ёнида ётадиган булсангиз мен даволамайман, дея аразлаганча кетиб қолди.

Бу машмашадан беҳабар Мафтуна эса ширингина ухлаб ётар, тушларида гулзордаги ранг-баранг капалаклар билан қувлашмақ уйнади. Бир пайт ўзи ҳам капалаклар рақсига махлиё бўлганча беихтиёр улар билан олис-олисларга учиб кетди. Ортидан бузлаб йиг-

лаётган онаизорнинг нола-лари ҳам уни қайтара олмади. Ортига қайтишга ҳарчанд уринмасин, гайритабиий бир куч уни узига бўйсундираётгандай эди.

Бутун вужуди олов бўлиб ёнаётган Мафтуна чўчиб уйгонди-ю, тепасида кузёш қилиб турган онасига кўзи тушди. Бир сутка давомида дори-дармон берилмаган бу норасида қизалоқ вужуди дард билан беаёв олишаётган эди.

Афсуски, кейинги кун олиб келинган дори-дармонлар ҳам, лоқайд шифокорнинг бетиним уринишлари ҳам Мафтунанинг ҳаётини сақлаб қололмади...

Алижон САФАРОВ

Оламда ган кўп

МАСЛАҲАТ БЕРИШГА ШОШИЛМАНГ

Англияда қабул қилинган янги қонунга кўра, ўқитувчилар 13 ёшга тўлмаган ўқувчи қизларга ҳомиладан сақловчи воситалар ва улардан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари ҳақида маслаҳатлар беришлари мумкин эмас. Ушбу қонун ана шундай маслаҳатни «балоғатга етмаганларни жинсий алоқага даъват этиш ёки мажбурлаш» билан тенг жиноят деб баҳолайди.

ТЎФОН

(Смерч)
Саргузашт филм
Режиссёр — Ян Де Бонт, продюссер — Стивен Спилберг
Ролларда — Билл Покстон, Хелен Хант.
1996 йил.

Биронта филмнинг суратга олинишида Стивен Спилберг қатнашди, бу киноасар томошабин учун жуда қизиқарли бўлиши шубҳасиз. Ушбу филм ҳам худди шундай экранлаштирилган. Июн ойининг охиридаги ҳисоб-китобларга қараганда киноижарачилар ушбу киноасар орқали олти ҳафта мобайнида 211,4 миллион доллар ишлашган. Филм кассабонлиги билан ажралиб туради.

Бу ажойиб киноасар барчага маъқул бўлади, десак янглишмаймиз.

РУҲЛАР ҲИНИ — МЕРОС

(Полтергейст — Наследие)
Саргузашт филм
Режиссёр — Стюарт Гиллард
Ролларда — Дерек Де Линт, Хелен Шей-вер.
1996 йил. «Метро - Голдвин - Майер»

Қадимий афсоналарга асосланган, гаройиб ҳолатлар сирини ўрганишга уринишлар мавжуд бўлган бу ажойиб илмий-фантастик, саргузашт филм ҳаммани қизиқтиради.

Филмда «Мерос» гуруҳининг турли ҳолатлари экранлаштирилган. Бу ҳолатларни «Полтергейст» ёки «Руҳлар Ҳини» деб аташади.

ДАҲШАТЛИ ДУШМАН

(Страшный враг)
Лирик комедия
Режиссёр — Стив Майнер
Ролларда — Рик Моранис, Том Арнолд.

1996 йил. «Уорнер Бразерс».
«Дунёда доимо овчи ва ўлжа мавжуддир», тахминан мана шу сўзлар билан Девид Лири (Рик Моранис) ва Роско Биггер (Том Арнолд) ўртасида бўлиб ўтган воқеаларга асосланган филм

га ром этиб олади.

Киноасарда Британия оролларида ҳам ўз таъсир кучини ўтказмоқчи бўлган америкалик мафиячининг режаларини оддий бир йигит — Брендон (Шен Бин) фош этади...

Бу ажойиб кинофилмни психологик-детектив асарлар муҳлисари мириқиб кўришлари шубҳасиз.

КАСБИ - ТОЗАЛОВЧИ

(Профессия - стиратель)

Жангари филм
Режиссёр — Чарлз Рассел

Ролларда — Арнолд Шварцнегер, Жеймс Каон, Венесса Уильямс
1996 йил. «Уорнер

Бразерс»

Мелодрама ва комедияларда ажойиб роллар ижро этгандан сўнг бир неча йил ўтгач, Арнолд Шварцнегер яна супермен, яъни супер одам ролини ижро этди. Жон исмли махсус топшириқни бажарувчи агентни «ўчирувчи» ёки «тозаловчи» дейишарди.

Бир фирма ва ЦРУ шуғулланаётган гайриқонуний янги суперкурал операциясига Ли исмли (Венесса Уильямс) қиз аралашиб қолади ва турли ғавғолар бошига тушади. Филм давомида Жон (Шварцнегер) уни қутқариб қолади.

АҚШ ва Канада филмлари ўнлигининг июн ойидаги кўригида ушбу киноасар уик-энд (шанба-якшанба кунлари) ичида 24,5 миллион доллар йиғишга эришди.

Видеотасмаларга ёзилган янги филмлар билан қизиқувчилар куйидаги телефонларга кўнгирик қилишлари мумкин:

77-13-44 77-67-12

ВИДЕО ОЛАМИДА

бошланади. Ёшлигида бу икки йигитнинг бири иккинчисини роса қийнайди.

Орадан йиллар ўтади. Ота-онаси билан бошқа шахарга кўчиб кетган Девид машҳур ёзувчи бўлиб етишади. Такдир уларни яна учраштиради. Бу икки қаҳрамоннинг ёши қирқдан ошган, болалари бор эди.

Филмни кўзатар экансиз, наҳотки шунча йил ўтса-да, одамнинг фақат ташқи кўриниши ўзгаради, деган ўй беихтиёр хаёлингиздан ўтади...

ҒАВҒОЛИ ДУШАНҒА

(Бурный понедельник)
Режиссёр — Майк Фиггис
Ролларда — Мелани Гриффитс, Томми Ли Жонс, Шен, Бин, Стинг.
1995 йил. «Нюкастл пикчерс энтертаймент»

Ажойиб актёрлар иштирокидаги бу киноасар бошланғичида воқеалар оддийдек туюлади. Бироқ кутилмаганда асар сюжетига содир бўлган ўзгариш томошабини ўзи-

«БОИНГ»НИНГ ҲАЛОКАТИ

Нью-Йоркдаги Кеннеди номли халқаро аэропортдан ҳавога кўтарилган «Боинг-747» йўловчи самолёти қутилмаганда портлаб кетди. АҚШнинг TWA авиакомпаниясига қарашли ушбу самолётда 212 йўловчи ва 17 нафар экипаж аъзоси бор эди. Ҳаво лайнери океан устига учиб ўтаётганда, бунинг устига кечаси ҳалокатга учрагани қидирув ишларини қийинлаштириб юборди.

КУЧЛИЛАР, ЭПЧИЛАР, ЧАҚҚОНЛАР БАҲСИ

Атланта шаҳрида бўлиб ўтаётган XXVI ёзги олимпиада ўйинларида дунёнинг 197 мамлакатидан 10 мингдан зиёд спортчи қатнашмоқда. Жумладан, мустақил Ўзбекистон шарафини ушбу нуфузли мусобақада спортнинг 13 тури бўйича 78 спортчи ҳимоя қилмоқда.

«ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН ШАКЛЛАНМОҚДА»

Москва яқинидаги «Барвиха» санаторийида Россия мудофазавазирлиги коллежиясининг кўма мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакат Президенти мажлис аҳлига янги мудофаа вазири, генерал-полковник Игорь Радионовни таништирди. Борис Елцин ўз нутқида Россия қуролли кучларининг шаклланиш жараёни қийинчилик билан кечаётганини қайд этди.

МАЙКЛ МОСКВАГА КЕЛАДИ

Машҳур поп мусиқаси юлдузи Майкл Жексон янги, «HISTORY» номли мусиқий албомни таништириб, дунё бўйлаб концертлар беришга аҳд қилди. Жумладан, Майклнинг Москвадаги концерти 17 сентябр куни «Динамо» ўйингоҳида бўлиб ўтади.

ПАНЖАРАЛАР ОРҚАСИДАН ... ҚОЧИШ

Россия ички ишлар вазирлигининг маълумот беришича, ўтган йил мамлакатдаги қамоқхона, СИЗО ва ВТКлардан 584 марта маҳбустлар қочиб кетишган. 1996 йилнинг биринчи ярмида эса 170 та ана шундай ҳолат рўй берган. Бу назоратнинг бўшлиғиданми ёки маҳбустлар устумон бўлиб кетишганими, бизга қоронғу.

ЧАПАҚАЙЛАР ТАЪРИФИДА

Маълумотларга қараганда, дунё аҳлининг 5 фоизини чапақайлар ташкил этар экан. Тиббиёт ходимларининг гувоҳлик беришларича, чапақайликни касаллик деб бўлмайти ва унинг инсон руҳий ҳамда жисмоний ҳолатига салбий таъсири йўқ. Лекин чапақайлик нега аёллар орасида кўпроқ учрашини тушунтириб беришга замонавий тиббиёт ҳам охирик қилмоқда.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Суратда: корхона раҳбари ўринбосари Марҳамат Сурмонова

Кўпинча хоҳ телевидениеда бўлсин, хоҳ газета саҳифаларида — Мустақиллик сизга нима берди? — деган саволга дуч келамиз. Ва саволга жавоб бераётган одам ҳам кўпинча, «Илгари кийин эди, энди яхши бўлди» деганга ўхшаш умумий гапни гапирди. Тўғриси, кўпчилигимиз мустақиллик қандай неъмат эканлигини ҳали тўла англаб етганимиз йўқ. Мустақиллик нафақат иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилишида балки, миллий тафаккуримизда ҳам бурилиш ясади. Коммунистик маффуранинг ўзига хос хусусиятларидан бири — ҳаммага шубҳа билан қаралди. Бойлар биз учун синдий душман эди. Мактабдаёқ бизга бойлар шунчаки салбий таъсирларидики, биз болалар бойларни иккита шох бор, махлуқ келбат бир нарсга деб тасаввур этардик. Мана шу маффура зугуми остида бутун бошли мам-

мажбур эди. Шу сиёсат таъсирида қанчадан қанча тadbirkору ишбилармонларнинг йўли қирқилди.

Мустақилликка, эришиб англадики, фуқароси бой бўлмаган мамлакатда ҳеч қачон фаровонлик бўлмаган. Муқояса тарикасида айтиш мумкин. Собик иттифок кудрати бўйича дунёда биринчи ўринда турарди. Халқ эса юпун яшарди.

Ҳозир бу гапларни айтишнинг мавриди эмас. Энди у кунлар ортда қолди. Биз ҳозир истиқлол медаларидан бири — республикамизда кенг қўл оч ёлган тadbirkорлик ҳақида гапирмоқчимиз.

Эркин аканинг тadbirkорлигини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Ўтган йил январ ойида Ҳамза туманидаги 15 магазини хусусийлаштириб «Роҳатали» хусусий корхонасини очди. Ҳозир корхонада 16 киши меҳнат қилмоқда. Фирма асосан озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилади. Фирма фаолияти билан таъинлаётганимиз унинг номлашти-

этиборимни тортди. Эркин акага биринчи саволим ҳам шу хусусда бўлди.

— Фирмамаизга отамнинг номи қўйганмиз. (Худо раҳмат қилсин) Сабаби, доим ёдимизда бўлиб, руҳлари қўлаб турсин, деган ният қилдик. Қолаверса, доимо ҳалол, пок ишлаган, одамларни дуосини олишга жазм қилганмиз. Биз ҳеч қачон «Роҳатали» фирмаси фалон, деган гап келишини истамаймиз. Қайси қобил фарзанд отасининг номига доғ туширади.

— Ҳозир магазинингизда неча хил маҳсулот бор?

— Рўзгорга керакли барча маҳсулотлар бор. Ун, гуруч, ёғ, сариеғ, шакар хуллас, пештахтамаиз тулиғ.

— Маҳсулотларни асосан қаерлардан оласизлар?

— Республикамаиздаги кўплаб озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорлик қилиб турибмиз.

— Магазинга мол олишда сифатига этибор берасизми ёки нархигами?

— Албатта сифатига. Юқорида айтганимдек ёмон ном олишдан қочамиз. Бундан худонинг ўзи асрасин. Саволингизга бошқача жавоб бериш ҳам мумкин. Мана, масалан бир хил маҳсулотни иккита корхона

ишлаб чиқаради. Лекин иккаласининг сифати биру нархи ҳар хил бўлади. Бундай пайтда биз арзонини танлаймиз. Яқинда Қарши гушт комбинати билан шартнома туздик. Улар чиқараётган қолбасанинг сифати бошқа ерниқидан аъло бўлса аълоки, кам эмас. Асосийси нархи арзон.

— Илгари бойга, умуман савдогарга ҳамма ёмон кўз билан қарар, бой бахил бўлади, қабиладаги тасаввур билан юрарди. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Бу нотўғри. Собик тузумнинг онгимизга синдирган фалсафаси бу.

Ўзимдан қиёс. Ишлаб топган пулимнинг маълум қисмини хайрияга сарфлайман. Яқинда туманимизда жойлашган кўзи ожизлар жамиятида озгина маълум қисмини хайрияга сарфлайман. Яқинда туманимизда жойлашган кўзи ожизлар жамиятида озгина маълум қисмини хайрияга сарфлайман. Яқинда туманимизда жойлашган кўзи ожизлар жамиятида озгина маълум қисмини хайрияга сарфлайман.

даги камҳарж оилаларнинг ҳолидан хабар олиб турамиз.

— Келажак режаларингиз қандай?

— Биз ишни энди бошладик. Худо хоҳласа орзуларимиз бор. Оллоҳнинг ўзи мадад берсин.

— Оилангиз Марҳамат опа муовинингиз бўлиб ишларкан. Бу баъзи бир ноқулайликлар туғдирмайдими?

— Йўқ, аксинча. Ишимизнинг бароридан келишига ёрдам беради.

Ҳамид СУЛАЙМОН суҳбатлашди



Жамоз аъзолари

ШАЪРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли ака-миз Жаъфарали АЗИМОВ!

Биз Сизни муборак 50 ёшингиз билан қутлаймиз. Сизга оилавий бахт ва соғлиқ тилаб,

куёвингиз Саидвали ва синглингиз Мактуба

Тошкент шаҳри

Темурийлар авлодисан. Ота-онанг дилбандисан. Мустақил юрт фарзандисан, Жаҳонгирсан дилбандисан.

Ўғлим Жаҳонгир, икки ёшинг қутлуг бўлсин!

Отанг Холпулат.

Қамаши шаҳри, Чорвадор қишлоғи.

Азиз ФОТИМАХОН ва ЗУҲРАХОН ИБРОҲИМОВАлар!

Сиздек ажойиб эгизакларни дунёга келтирган Оллоҳга шукурлар бўлсин!

Таваллуд кунингиз муборак. Визларнинг бахтимизга гулдек очилиб, ҳамиша яхши кунлар ёр бўлиб, узоқ йиллар бахтиёрликда яшанг. Болаларга бош бўлиб, ҳаётимизни

чарогон қилиб юрин!

Самимий эҳтиром билан Абдурашул ҒУЛОМОВ.

Тошкент шаҳри

Қадрли Шўҳратжон РАҲИМОВ!

Сени 26 июл — туғилган кунинг билан чин дилдан қутлайман. Оллоҳдан сенга доим омад тилаб, аканг ҒИЁС.

Азиз опаҷонимиз МОҲИДИЛ!

Биз Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, ва оилангизга бахт-саодат тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.

БОТИРЖОН,

оила аъзоларингиз номидан укангиз НОДИРБЕК.

Гулистон шаҳри

Ҳурматли укамиз АЛИХУҲЖАЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан опангиз Дурдонахон, ва акангиз Ганижон номларидан самимий табриклаймиз. Сизга боқий умр, оилавий бахт, келгусида неки

орзуларингиз бўлса, рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

Ҳурматли Маҳмадҷон КАРИМОВ!

Сизни муборак 57 ёшингиз ва келиноиймиз Ҳанифа опамиз билан оила қурганингизга 30 йил тулиши муносабати билан чин дилдан қутлаймиз.

Яна узоқ йиллар қўша қариб, ҳамма ҳавас қилар оила бўлиб қолишингизни тилаймиз.

Сулаймоновлар оиласи

Ҳурматли падари бузрукворимиз Ҳиммат НУРМАТОВ! Сизни 60 ёшга тулганингиз билан қизгин муборакбод этамиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бардамлик тилаймиз. Оиламиз, фарзанд ва неваралар бахтига доимо омон бўлинг. Ўғилларингиз Мирҳамидулло, Миркомил.

ЭЪЛОН

Республика «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси эски газеталар таҳламларини арзонлаштирилган нархда сотади.

Хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Амир Темир кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй (мўлжал Олой бозори)

